

**Самарқанд Давлат университетида 2021 йилда ўтказилиши  
режалаштирилаётган илмий ва илмий-техник анжуман  
АСОСНОМАСИ**

- 1. Анжуманинг мавзуси:** Озиқ - овқат хавфсизлиги муаммолари (Проблемы пищевой безопасности)
- 2. Анжуман мақоми:** Халқаро миқёсидаги илмий-назарий анжуман.
- 3. Илмий ва илмий техник анжуманни ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ёки бошқа манбалар.**  
Мазкур анжуман Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-№2909 Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Илмий – инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш механизмларини яратиш чора тадбирлари тўғрисидаги” №24-сонли Қарорлари асосида ўтказилади.
- 4. Анжуманинг илмий йўналиши, мақсад ва вазифалари:** Анжуманинг асосий мақсади соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эришилган салмоқли илмий натижаларни муҳокама қилиш, илмий асосланган хulosаларни ишлаб чиқаришда бераётган самаралари ҳақидаги маълумотлар ва натижаларни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, шунингдек одамлар ва ҳайвонларни озиқлантиришда фойдаланилаётган озиқланиш компонентларидан замонавий биотехнологик усуслар ёрдамида хавфсиз, сифатли, тўла қимматли ва барча тўйимли моддалар билан мувозанатлаштирилган рационларни шакллантириш имкониятларини илмий ўрганишдан иборат.

Анжуман вазифалари:

- хавфсиз озиқланиш маҳсулотлари тайёрлашдаги ҳалқимизнинг амалий ва замонавий меросларини ҳозирги замон нуқтаи-назаридан таҳлил этиш;
  - ўсимлик ва ҳайвонот дунёси озиқаларни қайта ишлаш йўллари билан турли экологик омиллар таъсирига бардош бера олиш имкониятларини ва сифатини сақлаш муддатини ошириш муаммолари;
  - ресторан ва жамоавий озиқланиш масканларида тайёрланадиган озиқланиш маҳсулотларини сифатли тайёрлашда кичик бизнеснинг роли;
  - туристларни сифатли ва хавфсиз озиқланиш маҳсулотлари билан таъминлашнинг туризм соҳасини ривожлантиришдаги ролининг муҳимлигини кўрсатиш.
- 5. Муҳокама қилинадиган муаммолар.** Мамлакатнинг экологик ҳолатига боғлиқ ҳолда ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси маҳсулотларидан тайёрланадиган озиқланиш маҳсулотларини санитария-гигиеник

жиҳатларини ҳозирги замон таҳлили, инсонлар ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари томонидан истеъмол қилинадиган озиқланиш маҳсулотларини овқат ҳазми жараёнларига, моддалар алмашинувига, маҳсулдорлигига, улардан олинган маҳсулотларни истеъмол қилган истеъмолчиларнинг иммун статусига, жисмоний ҳолатига ва бошқа жиҳатларига таъсирини ўрганиш ва озиқланиш физиологияси бўйича долзарб масалалар муҳокама қилинади.

**6. Ўтказиладиган анжуманинг Давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги.** Анжуман мавзуси Давлат илмий техник дастурлари доирасида бўлиб, унда фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлашишининг устувор томонлари муҳокама қилинади. Анжуман физиология, биокимё, зоология, экология, иқтисодиёт, тиббиёт ва ветеринария медицинаси каби фанларнинг етакчи олим ва мутахассисларнинг устувор йуналишларида фундаментал ва амалий изланишларини ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболларини намоён қиласди.

**7. Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик.** Илмий-назарий анжуман материаллари, нашрлари хорижий ҳамда республикамиз миқёсидаги ОЎЮ, ИТИ ва тадқиқот марказлари, шунингдек, ўрта маҳсус таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари учун янги авлод дарслклари, ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда соҳа мутахassis олимларининг илмий-тадқиқот ишларида фойдаланилади.

**8. Илмий-назарий анжуманда ёш олимлар, мутахassisлар, докторантлар ва магистрларнинг иштирок этиши.** Анжуманда физиология, биокимё, зоология, экология, иқтисодиёт, тиббиёт ва ветеринария медицинаси соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар, мутахassisлар, Республика олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва магистрантлари иштирок этиши назарда тутилган.

**9. Хорижий ҳамкорлар билан келишилганлик тўғрисида розилик хатлари.** Хорижий мамлакатлар илмий-маданий жамоатчилиги билан алоқа боғлаш, уларнинг мазкур анжуманда иштирок этиши Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги розилиги билан амалга оширилади.

**10. Анжуманин ўтказишда республикада мавжуд соҳа ташкилотларнинг иштироки.** Илмий-амалий анжуманда Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети, Термиз давлат университети, Гулистон давлат университети, Ургенч давлат университети, Андижон давлат университети, Қарши давлат университетлари ва бошқа олий ўқув юртлардан мутахassis олимлар қатнашиши режалаштирилган.

**Илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректор**

**Ҳ.Хушвақтов**